# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 22 август, № 164 (5584) Чоршанба


# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий мамлакат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, хотиржамлик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истаклар билдирилган.

Жумладан:

Америка Қўшма Штатлари Президенти
**Барак Ҳусейн Обама**;

Кувайт Давлати Амири
**Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ;**

Ўмон Султони **Қобус бин Саид;**

Иордания Подшоҳи
**Абдуллоҳ Иккинчи бин ал-Ҳусайн;**

Миср Араб Республикаси Президенти
**Муҳаммад Мурсий;**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти
**Абдулазиз Бутефлика;**

Эрон Ислом Республикаси Президенти
**Маҳмуд Аҳмадинежод;**

Ислом Ҳамкорлиги Ташкилоти Бош котиби
**Акмалиддин Эҳсонўғли**;

Туркманистон Президенти
**Гурбангули Бердимуҳаммедов;**

Озарбайжон Республикаси Президенти
**Илҳом Алиев**;

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти
**Зиллур Раҳмон**;

Сингапур Республикаси Президенти
**Тони Тан Кенг Ям**;

Қирғиз Республикаси Президенти
**Алмазбек Атамбаев;**

Тожикистон Республикаси Президенти
**Имомали Раҳмон**;

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти
**Ҳамид Карзай**;

Фаластин Озодлик Ташкилоти Ижроия Қўмитаси Раиси, Фаластин Миллий Маъмурияти Раиси **Маҳмуд Аббос**;

МДҲ динлараро Кенгаши ҳамраиси,
Кавказ мусулмонлари бошқармаси раиси
**Шайх-ул-ислом Оллоҳшукур Пошшозода**
ўз табрикларини йўллаганлар.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

Фахр

*Британиянинг нуфузли "Экономист" журнали бўлинмаси — Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси рейтингига кўра, Тошкент дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида 58-ўринни эгаллади.*

## ТОШКЕНТ ДУНЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ ШАҲАРЛАРИ РЕЙТИНГИДАН ЎРИН ОЛДИ

Economist Intelligence Unit бу йили шаҳарлар рейтинги имкон қадар холис бўлиши учун барча чораларни амалга оширди — танловнинг энг яхши мезонлари конкурсини эълон қилди ва BuzzData тадқиқот фирмаси билан ҳамкорликда дунёнинг энг яхши шаҳарларини аниқлаш бўйича такомиллаштирилган комплекс рейтингни ишлаб чиқди.

Бу йилги рейтинг барқарорлик, соғлиқни сақлаш хизматлари, маданий ва атроф-муҳит сифати, таълим даражаси ва инфратузилмаси каби анъанавий кўрсаткичлар билан бирга яшил экинзорлар майдони, ҳавонинг сифати, ҳудудларнинг тавсифлари, табиий дам олиш масканларига яқинлиги, дунё миқёсидаги маданий мерос объектлари, ҳудудий ва халқаро транспорт алоқаларининг мавжудлиги каби мезонлар билан бойитилди.

Ана шу кўрсаткичлар бўйича яшаш учун қулай бўлган дунёнинг 140 та шаҳри ўртасида танлов ўтказилди. 70 та энг яхши шаҳарларнинг якуний рўйхатидан Осиёнинг 30 шаҳри, Европанинг 18 шаҳри, Шимолий ва Жанубий Американинг 18, Африка қитъасининг 3 шаҳри ҳамда Австралия ва Океанияга тегишли бўлган битта шаҳар ўрин олди. Шуниси эътиборга сазоворки, танловда Марказий Осиё ва Кавказ ҳудудидан фақат битта шаҳар — Тошкент иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).




***Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳар бир инсоннинг бахтли, фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган билан аҳамиятлидир. Буни биргина суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.***

## Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари — олий қадрият

Дарҳақиқат, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият экани бугун жамиятимиз ҳар бир аъзосининг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари таъминланаётганида ўз ифодасини топмоқда.

Ўтган йиллар давомида суд-ҳуқуқ соҳасида ҳаётга татбиқ этилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг самарали механизми шакллантирилди. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан суд ҳокимияти ва судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Таъкидлаш жоизки, бундай кенг кўламли чора-тадбирлар самараси ўлароқ, халқимизнинг дунёқараши, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти изчил юксалиб бормоқда. Бугун одамларимизнинг фикрлаши, теварак-атрофда юз бераётган воқеаларга муносабати, фуқаролик позицияси тубдан ўзгарди. Бу ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ҳамда либераллаштириш жараёни изчил давом этиб, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалиб бораётганида ҳам ўз аксини топаётир. Қолаверса, бундай ўзгаришларни суд тизимида кўриб чиқилаётган ишлар, турли халқаро конференция ва анжуманларда экспертлар томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар ҳам тасдиқлайди.

Ўтган давр мобайнида суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш, уни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя эта оладиган мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар кўрилди. Бу, аввало, суд тизими қонунчилик асосларини такомиллаштиришда ўз аксини топди. Жумладан, 2000 йил 14 декабрда "Судлар тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилиниб, жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Яъни судлар ижро ҳокимияти органи тизимидан чиқарилиб, судьялик лавозимига номзод танлаш тамойили тубдан янгиланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси судлар фаолиятини ташкилий таъминлайдиган орган сифатида жорий этилди.

(Давоми 2-бетда).

## Мактаб бозори:

# Эътибор, имконият ва истиқбол

*Юртимизда навқирон ўғил-қизларимизнинг пухта билим олиши ва етук интеллектуал салоҳият соҳиби бўлиб етишиши учун барча имконият ва шарт-шароит яратилмоқда.*

Ғамхўрлик

Муҳими эса, бугун таълим тизими ривожи йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, эзгу чора-тадбирлар, ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай ўсиб-улғайишини таъминлашга қаратилган беқиёс ғамхўрликлар амалий натижасини бераётир. Умидимиз, ишончимиз бўлмиш ёш авлод вакилларининг илму ҳунар, маданият, санъат ва спорт йўналишларида катта ютуқларга эришаётганликлари ана шундан далолатдир.

Эътиборлиси, янги ўқув йили арафасида илмга чанқоқ, интилувчан фарзандларнинг қунт билан билим олиши ҳамда кенг дунёқарашга эга бўлишини таъминлашга хизмат қиладиган яна бир хайрли тадбир амалга оширилмоқда. Яъни анъанага мувофиқ, жорий йилнинг 10 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ўқув масканлари қошида ва шаҳар ҳамда туманлар марказида икки мингга яқин Мактаб бозори ва ярмаркалари фаолият кўрсатаяпти. Хусусан, айни пайтда таълим муассасалари қошидаги шохобчаларда 26 турдаги ўқув қуроллари, мактаб формаси, пойабзал ва спорт кийимлари савдоси йўлга қўйилган.

(Давоми 2-бетда).




Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Ишбилармонлик муҳити

*Мамлакатимизда автомобиль транспорти соҳасидаги ижобий ўзгаришлар, тизимга илғор технология ҳамда ускуналарнинг кенг жалб қилинаётгани туфайли қулай ва замонавий хизмат турлари жорий этилаяпти.*

## Йўловчиларга қулайлик яратиш

### фаолиятимизнинг бош мезонидир

Аслида, мазкур тизимни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлардан кўзланган мақсад ҳам рақобатга асосланган ҳолда автомобиль транспорти фаолиятини яхшилаш ва тизимга турли мулкчилик шаклидаги ишбилармонларни жалб қилишдир. Натижада бугунги кунга келиб, автомобиль транспортида нодавлат сектор етакчи ўринни эгаллади. Яъни республикамизда юк ташишнинг 90 фоизи, йўловчиларни манзилига етказиш эса тўлиқ мазкур сектор вакиллари улушига тўғри келаётир.

Мамлакатимизда ҳозирги пайтда жами 3991 йўловчи ташиш йўналиши мавжуд бўлса, шундан 991 таси шаҳар, 2386 таси шаҳар атрофи, 614 таси шаҳарлараро йўналишлардир. Уларнинг умумий қатнов узунлиги эса 187 минг 415 километрни ташкил этади.

Агентлигимиз томонидан транспорт воситалари учун очиқ тендерлар ўтказилиб, уларда ҳайдовчининг малакаси, касб маҳорати, масъулият ва жавобгарликни ҳис қилишига, қисқача айтганда, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида хизмат кўрсатиш даражаси ҳам тобора юксалиб бормоқда. Транспорт парклари янги техника воситалари билан бойитилаяпти. Масалан, яқинда Фарғона вилоятида "Farg`ona Asaka Trans" масъулияти чекланган жамияти томонидан "Асака" банкининг 3,4 миллиард сўмлик кредити эвазига Самарқандда ишлаб чиқарилган 20 та "Isuzu" автобуси харид қилинди. Президентимизнинг "2012 — 2015 йиллар даврига Фарғона шаҳрининг асосий режасини амалга ошириш ҳамда ижтимоий ва транспорт-коммуникация инфратузилмасини қайта қуриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан амалга оширилган мазкур лойиҳа шаҳар аҳолиси учун муносиб туҳфа бўлди. Ушбу автобуслар транспорт хизматига эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар бўйича жойлаштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Эзгулик ифодаси

*Президентимизнинг "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига кўра, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ушбу байрам кўтаринки руҳда ўтказилди.*

Шукуҳ

Меҳр-оқибат, саховат сингари халқимизга хос хислатлар қутлуғ айём кунлари янада ёрқинроқ кўзга ташланди. Ватанимиз Мустақиллигининг 21 йиллик шодиёналари арафасида бўлиб ўтган мазкур айём муносабати билан жойларда хайрия тадбирлари, эзгуликка йўғрилган юмушлар амалга оширилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам Рамазон ойи давомида бўлгани каби ҳайит кунларида ўзаро саховат кўрсатиш, ҳожатмандлар ҳолидан хабар олиш, ёши улуғларни эъзозлашга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эътибор қаратилди. "Меҳр нури" жамғармаси ҳомийлигида Беруний туманидаги "Султон Увайс" зиёратгоҳида ва Нукус шаҳрида минг нафарга яқин кишига мўлжалланган хайрия тадбирлари ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).

# Жамғарманинг муҳим ижтимоий ташаббуслари

*Тошкент вилоятининг "Бўстон" сиҳатгоҳида "Келажак овози — 2012" медиа-оромгоҳининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.*

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Тадбир доирасида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг Васийлик кенгаши, "Меҳр нури" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" Республика жамоат бирлашмаси, "Ҳаёт учун" миллий уюшмаси, "Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси", "Ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми" нодавлат нотижорат ташкилоти, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ва бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида кенгайтирилган матбуот анжумани ўтказилди.

Хайр-саховат, мурувват, эътибор ва кўмакка муҳтож инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш халқимизга хос маънавий қадриятлардандир. Президентимиз Ислом Каримов томонидан "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинган жорий йилда мазкур эзгу фазилатлар янада яққол намоён бўлаётир.

Давлат дастурига мувофиқ, ёш оилаларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ўсиб келаётган авлоднинг муҳим ҳаётий қизиқишларини таъминлаш, уларни спорт ва жисмоний тарбияга кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Мазкур вазифаларни ҳал қилишда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Меҳр нури" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" Республика жамоат бирлашмаси ва бошқа нодавлат ташкилотлар фаоллик кўрсатмоқда.

"Келажак овози" медиа-оромгоҳини ташкил этиш — ёшларга мўлжалланган лойиҳалардан биридир. Жорий йилда Чирчиқ шаҳрида 10 августдан 17 августга қадар давом этган мазкур оромгоҳда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда у билан ҳамкор ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган йирик маданий тадбирлар ва ижтимоий дастурлар кенг муҳокама қилинди.

"Келажак овози — 2012" медиа-оромгоҳи лойиҳасида иштирок этиш учун Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан 150 нафар энг иқтидорли ва фаол ёш авлод вакиллари саралаб олинди. Оромгоҳда ёшлар босма оммавий ахборот воситалари, интернет-журналистика, "Lingvo" тил ўргатиш курслари ва ахборот технологиялари соҳалари каби тўрт йўналиш бўйича ўқитилди.

— Медиа-оромгоҳдаги таълим дастури ғоят ранг-баранг ва мазмунли бўлди, — дейди "Ахборот технологиялари" йўналиши гуруҳи етакчиси Фаёзжон Бердиев. — Биз учун юқори технологиялар соҳасидаги билим ва маҳоратимизни амалда кўрсатиш имконияти яратилди. Мен 3D графикаси, веб-дизайн ва веб-дастурлашни ўрганиш машғулотларида иштирок этдим. Биз "kelajakpress.uz" сайтининг янгиланган кўринишини яратдик. У кўпчиликка манзур бўлди, деб ўйлайман.

Шуниси диққатга сазоворки, оромгоҳнинг ҳар бир куни "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг энг муҳим ҳамда йирик лойиҳаларига бағишланди. Кино, театр, ёшлар лойиҳалари, кўргазмалар, мода ва дизайн кунлари ўтказилди.

Айни вақтда санъат арбоблари, ижодкорлар, экспертлар, медиа соҳаси мутахассислари, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари, тақдимотлар ва маданий тадбирлар ҳам бўлиб ўтди.

(Давоми 4-бетда).

# Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари — олий қадрият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Адлия вазирлиги ҳузурида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш департаментининг ташкил этилиши эса судларнинг уларга хос бўлмаган вазифалардан халос бўлиши ва бутун диққат-эътиборини одил судловни амалга оширишга қаратиш имконини берди.

Батафсил айтадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 мартдаги қарори билан Адлия вазирлигининг Судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ўрнига Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилди. Департамент зиммасига бир қатор муҳим вазифалар юклатилди. Судларни ташкил этиш борасида таклифлар ишлаб чиқиш, судья лавозимига кадрларни танлаш, лавозимга тавсия этиш ва малакасини ошириш, судларни ташкилий, моддий-техника жиҳатидан қўллаб-қувватлаш, суд биноларини қуриш ва таъмирлаш, судьялар ва суд процесслари учун зарур бўлган шарт-шароитни яратиш ҳамда суд ва бошқа органлар қарорлари ижросини таъминлаш шулар жумласидандир.

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди. Ушбу Қонун талаблари асосида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил қилинди. Шу билан бирга, бу ҳужжатда департамент томонидан ижро этиладиган ҳужжатлар рўйхати, ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар, суд ижрочиси мақоми, уларнинг ҳуқуқ ва мажбурияти, ижро иши юритишни қўзғатиш, тўхтатиш, тугатиш ва тамомлаш асоси, ундирувни қарздор мол-мулкига қаратиш тартиби, ундирув қаратилган мол-мулкни хатлаш, сақлаш, баҳолаш, реализация қилиш, чет эл суди ва арбитражлари қарорларини ижро этиш ва ижро этмаганлик учун жавобгарлик масалалари белгилаб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги қарори билан судья лавозимларига кадрларни тавсия этиш, суд амалиёти ва суд статистикасининг тизимли таҳлилини амалга ошириш, судларни ташкил этиш, халқ маслаҳатчилари сайловини тайёрлаш ва ўтказиш ҳамда уларни ўқитиш ишларини ташкил этиш департамент ваколатларидан чиқарилди. Унинг асосий вазифаси сифатида суд ва бошқа органлар қарорларининг ижро этилишини ташкил қилиш белгиланди. Бу янгилик 2001 йил 7 декабрда "Судлар тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларда ҳам ўз аксини топди.

2001 йили "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ ислоҳотларида янги босқични бошлаб берди. Унга кўра, жиноятлар таснифи ўзгартирилиб, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Натижада иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоққа олиш, озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имкони кенгайди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо ҳам чиқариб ташланди.

Жиноят кодексининг 11 моддасига етказилган моддий зарар ўрни қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмаслиги ҳақидаги қоидалар киритилгани тизимдаги ислоҳотлар инсонпарварлик тамойилларига асосланганлигини кўрсатади. Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, юртимизда ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига ярашув институтининг киритилиши соҳа ислоҳотлари миллий урф-одатлар билан ҳам уйғундир. Халқимизга хос бўлган бағрикенглик, кечиримлилик тамойиллари ярашув институти моҳиятига сингдириб юборилган. Унга кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берган тақдирда, жиноий жавобгарликка тортилмайди. Эътиборлиси, ҳозирги пайтда 53 та жиноят бўйича шу тамойил қўлланилиб, у жорий қилингандан буён 131 минг нафардан зиёд киши жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш жараёнида суд ишларини соддалаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, амалдаги Жиноят-процессуал кодекси ва Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартириш киритилди, яъни ишларни апелляция инстанциясида кўриб чиқиш жорий этилди. Бу, ўз навбатида, суд қарорларининг қонунийлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу институтнинг жорий этилиши билан апелляция инстанцияси суд қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юбормасдан, янги ҳал қилув қарори қабул қилишдек процессуал ҳуқуққа эга бўлдики, бу ҳам фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ўз вақтида ҳимоя қилиш имкониятини яратди.

Шу билан бирга, амалдаги Фуқаролик процессуал кодекси буйруқ тартибида иш юритиш ҳақидаги алоҳида $20^1$-боб билан тўлдирилганлиги ҳам суд ишларини соддалаштириш борасида муҳим қадам бўлди. Бу бобга киритилган қоидаларнинг аҳамияти шундан иборатки, мазкур Қонун қабул қилингач, судья маълум низосиз тоифадаги талаблар бўйича суд буйруғи чиқариш ваколатига эга бўлди. Биргина 2012 йилнинг 6 ойи мобайнида бир миллиондан ортиқ суд буйруғи чиқарилган. Суд буйруғи чиқарилган аризалар бўйича 360 миллиард сўмдан зиёд маблағ ундириш белгиланди. Фуқаролик ишларининг 85 фоизи бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган, шундан 89,1 фоиз иш бўйича даъво қаноатлантирилди.

Жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам ўз самарасини бермоқда. Жазоларни либераллаштириш ҳақидаги қонун амалга татбиқ қилинаётганидан буён эса 193 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарар ўрнини қоплаган 21 мингдан ортиқ шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Судларнинг ихтисослашуви ҳам соҳа ислоҳотларида муҳим қадам бўлганлигини айтиб ўтиш жоиз. Мисол учун, 2001 йил 1 январдан ўз фаолиятини бошлаган Фуқаролик ишлари бўйича судлар фуқаролар ўртасида ҳамда фуқаро ва юридик шахслар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, томонларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида самарали фаолият олиб бормоқда. 2011 йилда Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 305 минг 227 та, 2012 йил 6 ойида 84 минг 696 та иш мазмунан кўрилиб, қонуний ҳал этилганлиги бунинг далилидир.

Президентимиз томонидан Ўзбекистонни тараққий эттиришнинг яқин ва истиқболдаги стратегияси — Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш бўйича белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29 ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилди. Бунда судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби назарда тутилмоқда. Ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган ўзгартиш киритилмоқда. Жиноят-процессуал қонунчилигига юқорида кўрсатиб ўтилган норманинг киритилиши суднинг мустақиллиги, холислиги ва беғаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат қилади. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколати чиқарилмоқда. Концепцияда назарда тутилган мазкур ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг яқинда бўлиб ўтадиган ялпи мажлисида муҳокама қилиниши кутилаётган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунда ўз ифодасини топмоқда.

Маълумки, Президентимизнинг "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорида келгусида амалга ошириладиган устувор йўналишлар белгилаб берилди. Амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, жамиятимиз ва кундалик ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш ва мақомини ошириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда шакллантиришда уларнинг таъсирини кучайтириш, ёш оилаларга зарур кўмак ва ёрдам бериш, оила, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан ғамхўрликни янада кучайтириш, "Соғлом она — соғлом фарзанд" тамойилига мувофиқ, оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш шулар жумласидандир. Ушбу мақсадларни рўёбга чиқариш учун 1 478,7 миллиард сўм ва 114 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиши кўзда тутилган бўлиб, бу борада суд органлари томонидан ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Масалан, оила муқаддаслиги ва қонуний никоҳнинг афзалликларини тушунтириш мақсадида судьялар, ФҲДЁ идоралари ва хотин-қизлар қўмитаси ходимлари ҳамкорлигида тарғибот-ташвиқот тадбирлари йўлга қўйилди. Шу билан бирга, ФҲДЁ идоралари қошида "Ёш оила дорилфунуни", "Ёш оила қурувчилар мактаби" ташкил этилди. Асосийси, улар ёшларнинг оила ҳақидаги тасаввурларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 2 августда қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларда яна бир муҳим қадам бўлди. Унда суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал кафолатларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши бизни қувонтириши баробарида, ҳар бир судьянинг зиммасидаги масъулиятни янада оширади.

Фармонда судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг тегишли равишда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судида мажбурий тайёргарлик ва стажировка ўташлари назарда тутилганлиги ҳам бежиз эмас. Бундай тартиб белгиланиши судьяларнинг назарий ва амалий билимларини ҳамда касб малакаларини тобора ошириб бориш, ўз олдиларига қўйилган одил судловни амалга оширишдек ўта масъулиятли вазифани ҳалол ва поклик билан бажаришларида муҳим аҳамият касб этади.

Бу ҳужжатда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқлаш белгиланганлиги эса фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини кафолатлаш ҳамда суд тизимининг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлашга хизмат қилади.

Умуман олганда, соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар боис мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими бутунлай ўзгача мазмун-моҳият ва қиёфа касб этмоқда. Яъни суд инсонпарварлик тамойили асосида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи одил орган сифатида шаклланди. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар туб замирида шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсонни рози қилиш, уларнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқариш, пировардида инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик жамиятни барпо этиш мақсади мужассамдир.

**Бўритош МУСТАФОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси.**

## Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси олдидан

*Шу йилнинг 30 август куни пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси очилади. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид бир қатор масалалар кўриб чиқилиши кўзда тутилаётир.*

# Тадбиркорлик фаолиятининг қонуний кафолати

"Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ана шулар жумласидандир.

Маълумки, мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, модернизация ҳамда ислоҳ этиш шароитида тадбиркорликни ривожлантиришга, тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга устувор йўналиш сифатида жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, биргина ўтган йили тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат органларининг аралашувини чеклашга, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни шакллантиришни кўзда тутадиган 20 дан зиёд ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш бўйича ўтказилаётган кенг кўламли ислоҳотларга қарамай, амалиётда қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳоллари ҳалиҳануз учрамоқда.

Таъкидлаш жоизки, миллий қонунчилигимизда қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Бироқ тадбиркорлик субъектлари фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун мансабдор шахсларнинг ва давлат органларининг мансабдор бўлмаган шахсларининг маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлигини назарда тутадиган нормалар мавжуд эмас. Хорижий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатдики, бир қатор мамлакатлар қонунчилигида фақат тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик учунгина эмас, балки мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашганлиги учун ҳам жавобгарлик назарда тутилган.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг кучли ва ишончли кафолатларини яратиш катта аҳамиятга эга. Зеро, бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш, аввало, шунга боғлиқдир. Бу борада мустаҳкам қонунчилик асосларини изчил такомиллаштириб бориш, тадбиркорлик субъектлари манфаатларини етарли даражада ҳимоя қила оладиган самарали назорат механизмларини жорий этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Сенат ялпи мажлисида кўриб чиқилиши кўзда тутилаётган Қонунга кўра, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун нафақат маъмурий жавобгарлик, балки жиноий жавобгарлик ҳам белгиланмоқда. Қонунда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ноқонуний аралашган давлат ёки нодавлат ташкилотида ишлашидан қатъи назар, нафақат мансабдор шахсларга, балки улар билан бир қаторда, бошқа шахсларга ҳам бир хилда жавобгарлик белгиланаётганлиги аҳамиятлидир.

Хулоса ўрнида айтганда, мазкур Қонун хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлат органларининг аралашувини камайтириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттиришга, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қўшимча ҳуқуқий механизмларни яратишга, шунингдек, мансабдор шахс ва давлат органлари хизматчилари томонидан суиистеъмолликларнинг олдини олишга ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, республика иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароит яратишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Эркин РЎЗМЕТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**



# ТОШКЕНТ ДУНЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ ШАҲАРЛАРИ РЕЙТИНГИДАН ЎРИН ОЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон пойтахти дунёнинг ободлик ва яшаш қулайлиги рейтингида 140 шаҳар орасида юқори 58-ўриндан жой олиб, жаҳон таснифидаги яшаш энг қулай бўлган йирик шаҳарлар орасидан муносиб ўрин эгаллади.

Economist Intelligence Unit экспертлари томонидан, айниқса, шаҳар аҳолисининг сифатли таълим олиши учун яратилган шарт-шароитлар кўрсаткичи юқори баҳоланди. Бу мезон бўйича, асосан, Европа ва Шимолий Америкада жойлашган 36 шаҳар бизнинг пойтахтимизга қараганда юқорироқ ўринни эгаллади, холос.

Дунё рейтингида соғлиқни сақлаш хизматлари сифати ва улардан фойдаланиш имкониятлари ҳам юқори баҳоланиб, ушбу кўрсаткич бўйича Тошкент дунёда 48-ўринни эгаллади. Ўзбекистон пойтахти транспорт ва коммуникация инфратузилмаси ривожланиши бўйича ҳам дунёнинг энг илғор 50 шаҳри сирасига киритилди.

**(ЎзА).**

# Йўловчиларга қулайлик яратиш

## фаолиятимизнинг бош мезонидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Умуман, жорий йилнинг олти ойида агентлигимиз томонидан мўлжалланган 83 та ўрнига 118 та янги йўловчи ташиш йўналиши очилиб, улар мингдан зиёд замонавий транспорт воситалари билан таъминлангани диққатга сазовор.

Маълумки, юртимизда таксилар фаолияти, асосан, "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги Қонун талаблари доирасида ташкил этилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилингач эса, мазкур хизмат тури сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Чунки ушбу ҳужжатда республикамиз ҳудудида фаолият юритаётган таксиларнинг ташқи кўриниши, ички жиҳозланиши ва ҳайдовчиларга қўйиладиган ягона талаблар белгиланди.

Аҳоли ҳамда ташувчиларга мазкур қарор мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича олиб борилган ишлар натижасида бугун кўчаларимизда халқаро стандартларга мос таксилар кўпаймоқда. Энг муҳими, озода, замонавий ва ҳар томонлама қулай таксилар йўловчиларни ўз манзилига хавф-хатарсиз етказиб қўймоқда.

Агентлигимизда, шунингдек, автотранспорт соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш борасида талайгина ишлар олиб борилаяпти. "SMS орқали маълумотлар базаси билан алоқа" интерактив хизмати шундай янгиликлардан биридир. Мазкур хизмат ёрдамида хоҳлаган киши автобус, такси ёки юк автомобилининг қонуний ишлаётганини аниқлаши мумкин. Бунинг учун у мобиль алоқа воситасидан ўша автотранспортнинг давлат белгиси ва сериясини 5500 рақамига SMS тарзида жўнатса кифоя. Шунда агентликнинг маълумотлар базасидан автотранспортнинг қандай фаолият тури билан қанча муддатгача шуғулланиш ҳуқуқига эгалиги, уларнинг қайси йўналишга бириктирилганлиги тўғрисида жавоб келади. Агар юборилган хабарга рад жавоби келса, демак, бу транспорт воситаси ноқонуний ишлаяпти. Бу, аввало, агентлик мутахассисларининг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ноқонуний автотранспорт хизматлари кўрсатилишининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлари самарасидир. Бундай ахборот тизими шаҳарлараро автобусларда ҳам босқичма-босқич қўлланилади.

Буларнинг бари юртимизда транспорт тизимини жаҳон стандартлари талаблари даражасига кўтариш баробарида, ҳайдовчига ҳам, йўловчига ҳам бирдек қулайлик яратаётгани билан аҳамиятлидир.

**Ш. ШОВАҲОБОВ,**
**Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи ўринбосари.**

# Эзгулик ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Андижон вилоятидаги 866 та маҳаллада, шаҳар ва қишлоқларда Рамазон байрами уюшқоқлик билан ўтказилди.

— Давлатимиз раҳбарининг "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарори шодлигимизга шодлик қўшди, — дейди Избоскан туманидаги Гузар маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Орифжон Ҳосилов. — Улуғ айём кунлари қариндош-уруғлар жам бўлишиб, аҳиллик, ўзаро ҳурмат ришталари мустаҳкамланди. Кўмакка муҳтож, ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилояти бўлими фаолларининг кейинги йилларда хасталаниб қолган Султоной Ражабовадан ҳол-аҳвол сўраб келишлари тўқсон ёшли онахонни беҳад қувонтириб юборди. Бухоро шаҳридаги 16-маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи момонинг кўнгли бу дийдорлашувдан тоғдек кўтарилиб: "Шу кунларга етказганига шукр, юртимиз тинч, Президентимиз омон бўлсинлар", дея дуога қўл очди.

Бир кўнгилга хушнудлик бахш этмоқ улуғ зиёратлар билан тенг, дейишади. Рамазон ҳайити кунларида вилоятда ана шундай дийдорлашув онлари, савоб ишлар беҳад бисёр бўлди. Давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, савобталаб инсонлар эҳтиёжманд, яккаёлғиз яшовчи, ўзгалар қаровига муҳтож икки минг нафардан зиёд кишига хайрия ёрдамлари улашдилар. Бир пиёла чой баҳонасидаги учрашувлар дийдорлашув, меҳр-оқибат тантанасига айланиб кетди. Меҳрибонлик ҳамда Мурувват уйларига ҳомийлар томонидан йигирма беш миллион сўмлик кийим-кечак, озиқ-овқат, турли совғалар тақдим қилинди.

— Ийд Рамазон қалбларимизга катта сурур ва фараҳ бахш этди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Наманган вилоят бўлими раисининг ўринбосари Рустамжон Умаров. — Фуқаролар йиғинлари, кўпни кўрган оқсоқоллар, фаол ёшлар ташаббуси билан жойларда ташкил этилган хайр-саховат, меҳр-оқибатга йўғрилган эзгу тадбирлар ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар аъзолари, яккаёлғиз яшаётган кексалар кўнглини ҳар қачонгидан-да обод этди. Бир қатор саховатли юртдошларимиз Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини совға-саломлар билан сийлашди.

Меҳр-мурувват, бағрикенглик ифодаси бўлган Рамазон ҳайити бошқа вилоятларда ҳам кенг нишонланди. Юртдошларимизга зўр қувонч улашган байрам шукуҳидан диллар яйради, кўнгилларда шундай саодатли кунлар учун шукроналик ҳисси пайдо бўлди. Зеро, савобли амаллар замиридаги баракот юрт ривожига, элнинг улуғ мақсадларига қанот бағишлайди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## Мактаб бозори:

# Эътибор, имконият ва истиқбол

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мактабимиз қошида ташкил этилган ярмарка маҳсулотлари пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган "Нарпай-Иброҳим савдо" фирмасидан келтирилган, — дейди 202-умумтаълим мактаби директори Муҳайё Саидикромова. — Бу ердаги барча ўқув қуроллари давлат таълим стандартларига мос дизайнда ишлаб чиқарилганлиги, сифатли ва арзон эканлиги боис ота-оналарга манзур бўлмоқда. Бундан ташқари, ярмаркадан мактаб маъмурияти ва ота-оналар ҳамкорлигида жорий қилинган янги мактаб формаси ҳам ўрин олган. Экологик тоза матодан тикилган ушбу либос мактабимиз подиумида намойиш этилган намуналар орасидан танлаб олиниб тасдиқлангач, малакали модельер-дизайнер билан тузилган шартномага мувофиқ тайёрланаяпти.

— Ўғлим Жамшидбек бу йил 3-синфга ўтди, — дейди Шоҳида опа Ҳикматуллаева. — Бугун у билан янги ўқув йилига атаб кийим-кечак ҳамда ўқув қуролларини харид қилгани чиқдик. Ўғлим спортга ниҳоятда қизиқади. Мактабдаги футбол тўгарагига қатнайди. Шунинг учун ярмаркадан спорт сумкаси ва формаларини ҳам бошқа жойлардагига нисбатан ўттиз фоиз арзон нархда сотиб олдик. Мени қувонтирган яна бир жиҳатни алоҳида эътироф этишни истар эдим. У ҳам бўлса, бу ердаги ҳар бир ёзув ва кундалик дафтарларининг муқоваси миллий менталитетимизга мос, ёрқин ранглар ва чиройли суратларга бой эканлигидир. Буюк алломаларимиз сиймоси ҳамда уларнинг доно фикрлари акс эттирилган бундай ўқув қуроллари фарзандларимиз маънавий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиши, шубҳасиз...

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ахборот хизматидан олинган маълумотларга кўра, жойларда ташкил этилган Мактаб ярмаркалари ва уларнинг шохобчаларини сифатли маҳсулотлар билан таъминлашда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари, "Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси ҳамда "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси амалий кўмак бермоқда. Энг муҳими, ҳар бир шохобчалар фаолиятини доимий назорат қилиш мақсадида барча ҳудудларга масъул ходимлар бириктирилган.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**













## «FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фарғона Интер Рейн» корхонасига қарашли, Олтиариқ тумани, Қапчуғай қишлоғида жойлашган 2000 тонналик музлаткич ускуна ва жиҳозлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 527 654 874 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 7 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдога қўйилган мулклар билан туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 5 сентябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Farg'ona mulk markazi» МЧЖнинг Давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943063001, МФО: 00497, СТИР: 302134194.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй.**
**Телефон: (8-373) 224-68-70. Расмий сайтимиз: www.rmm.uz**

1403R/1039

## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**Савдога қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Бекобод шаҳар СИБ томонидан 2011 йил 14 ноябрдаги 13129-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Аббосова кўчасида жойлашган цемент омборхонаси ва қурилиши битмаган савдо дўкони такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 134 582 513 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 6 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

**2.** Қибрай тумани СИБ томонидан 2012 йил 16 апрелдаги 10-1214/1875-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Салар» ҚФЙ, Қорамурт кўчасида жойлашган, 1 қаватли «АРК АМИР» ресторани. Бошланғич баҳоси — 630 000 000 сўм.

**3.** Чиноз тумани СИБ томонидан 2012 йил 5 мартдаги 11-1232-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчасида жойлашган бино-иншоотлар. Бошланғич баҳоси — 70 010 000 сўм.

**4.** Чиноз тумани СИБ томонидан 2012 йил 12 июндаги 11-1231/5939-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Янги Чиноз қўрғони, Наврўз кўчасида жойлашган бино-иншоотлар. Бошланғич баҳоси — 74 430 000 сўм.

**5.** Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан, 2012 йил 10 майдаги 9323-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 22-уйда жойлашган бино-иншоотлар. Бошланғич баҳоси — 275 000 000 сўм.

**6.** Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан, 2011 йил 21 ноябрдаги 1-22423/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Астробод 1-тор кўчаси, 4-уйда жойлашган яшаш уйи. Бошланғич баҳоси — 90 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 21 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги мулклар 2012 йил 21 сентябрь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 8 октябрь куни бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотека-банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

**Манзил: Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани,**
**Буюк Ипак йўли к., 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.**

*Лицензия: RR-0052.*

1402R/121

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

# Жамғарманинг муҳим ижтимоий ташаббуслари

— Медиа-оромгоҳда мен мураббий сифатида қатнашдим, — дейди франциялик кинопродюсер ва режиссёр Ражи Ғазалбош. — Ёш режиссёрлар, операторлар ва фотосуратчилар учун маҳорат дарслари ўтказдим. Шуниси қувонарлики, Ўзбекистон ёшларининг хорижий тилларни ўрганишга бўлган катта қизиқиши туфайли биз улар билан самарали ижодий мулоқот қилишга муваффақ бўлдик. Иштирокчилар машғулотларга амалий руҳда ёндашиб, келажакда танлаган касбларининг сир-асрорларини чуқур ўргандилар. Ўйлайманки, ёшларнинг медиа-оромгоҳга бўлган қизиқиши йил сайин янада ортиб боради, чунки мазкур тадбир ҳар бир иштирокчининг истеъдоди ва имкониятларини тўла намоён этишига хизмат қилади.

Медиа-оромгоҳ якуни бўйича етакчи халқаро ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Жорий йилда матбуот анжуманининг кўлами кенгайди ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг энг йирик лойиҳалари якунларига бағишланди. Учрашувни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — лойиҳа иштирокчилари ва ташкилотчилари ўртасида эркин мулоқот, савол-жавоблар, ўз фикрларини очиқ баён этиш учун самимий муҳит яратишдир.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси Васийлик кенгашининг раиси Гулнора Каримова журналистларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Айниқса, Мустаҳкам оила йилига бағишланган кенг қамровли "1000 никоҳ ва 1000 суннат тўйи" хайрия лойиҳаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Лойиҳа "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан "Аёллар кенгаши" Республика жамоат бирлашмаси, "Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси" ва "Меҳр нури" жамғармаси ҳамкорлигида амалга оширилди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, лойиҳадан кўзланган асосий мақсад — жойларда хайрия ишларини янада фаоллаштириш, қадимий урф-одат ва удумлар, ўзаро ёрдам кўрсатиш анъаналарини қайта тиклаш, муҳим оилавий тантаналарни кўплашиб ўтказиш, маҳалла ва маҳаллий ҳомийлар саъй-ҳаракатларини бирлаштиришдир.

Лойиҳа доирасида 2012 йилнинг март ойидан ноябрь ойига қадар мамлакатимиздаги ижтимоий кўмакка муҳтож минг нафар оиланинг никоҳ ва минг нафар боланинг суннат тўйлари ўтказилади. Бу борада ташкилотчи жамғармалар томонидан келинлар учун "Guli" брендидан тақдим этилган тўй либослари, "Келинсалом" учун рўмоллар, спорт кийимлари каби махсус совғалар тайёрланган. Ўз навбатида, жойларда никоҳ тўйларини ўтказишда ҳамкор ташкилотлар ва ҳомийлар ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг ўнта вилоятида 682 никоҳ ва 847 суннат тўйи ўтказилди. Лойиҳа иштирокчиларининг умумий сони 45 минг кишини ташкил этди.

Жиззахлик Камол ва Нилуфар Аввалбоевлар мазкур лойиҳанинг бевосита иштирокчиларидир. 2012 йилнинг 26 июнь куни уларнинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Ёшлар бу кунни интиқлик билан кутишди ва ушбу тантана мазкур ижтимоий кўмак туфайли нафақат ёш келин-куёв, айни вақтда уларнинг яқинлари ва қариндошлари ҳаётида ҳам унутилмас воқеага айланди. Мамлакатимизда яна бир мустаҳкам ва иноқ оила пайдо бўлди.

Матбуот анжуманида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг ёш авлодни ҳар томонлама камол топишига кўмаклашиш, уларнинг ўз истеъдодини намоён этиши, ижодий ва ўқишдаги ташаббусларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган энг йирик ва кенг қамровли лойиҳаларидан бири — ёш истеъдодларнинг "Келажак овози" республика танловига доир кўплаб саволлар берилди.

Анжуманда танлов ёшлардан жиддий тайёргарликни талаб этиши, саралашнинг барча босқичларидан муваффақиятли ўтган энг муносиб номзодларгина ғолибликни қўлга киритиши мумкинлиги таъкидланди. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги барча ўрта махсус ва олий ўқув муассасаларида танловнинг дастлабки саралаш босқичи якунланди. "Келажак овози" танлови мамлакатимизда иқтидорли ёшлар нечоғли кўплигини яна бир бор яққол кўрсатди. Бугунги кунда юз минглаб ёшлар мазкур танловда иштирок этиш истагини билдирмоқда.

Анжуманда, шунингдек, мамлакатимиз бўйлаб муборак Рамазон ойида "Ифторлик" хайрия акциялари уюшқоқлик билан ўтказилгани ҳам қайд этилди. "Меҳр нури" жамғармасининг мазкур лойиҳасини ўтказиш учун жорий йилда янги ҳамкор ташкилот — "Ўзбекистоннинг ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми" ҳам қўшилди. Ҳар бир вилоятда аҳоли, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари ва "Ўзбекистоннинг ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми" нодавлат нотижорат ташкилоти ходимлари саъй-ҳаракати билан ҳашарлар ташкил этилди. Мазкур тадбирларда 40 мингдан ортиқ киши иштирок этди.

Журналистлар томонидан "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва унинг ҳамкор ташкилотларининг бошқа ижтимоий лойиҳаларига доир ҳам кўплаб саволлар берилди. Улар ҳар йили ўтказиладиган "Болалик учун" хайрия бали, "Инклюзив таълим: миллий моделни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга жорий қилиш" лойиҳаси, грантлар дастурлари, кўкрак бези саратонига қарши лойиҳалар тўғрисидаги батафсил маълумотлар билан таништирилди.

Анжуманда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси бугунги кунда миллий меросимиз, анъаналар, маданият ва санъатимизни қайта тиклаш, ёшлар ва ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган барча инсонларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ижтимоий аҳамиятга молик ташаббусларни ривожлантириш ва профессионаллар, тадбиркорлар ҳамда жамоатчиликни бирлаштириши самарасида ижтимоий шерикликнинг ўзига хос моделига айлангани таъкидланди.

Матбуот анжумани доирасида Лондонда ўтказилган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида медалларга сазовор бўлган спортчиларимиз — Артур Таймазов, Сослан Тигиев, Ришод Собиров ва Аббос Атоевни шарафлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Уларнинг келгуси фаолиятларида янада улкан муваффақиятлар тилаб, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан совғалар топширилди.

Тадбир эстрада юлдузлари иштирокидаги концерт дастури билан якунланди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●


# Навоий кон-металлургия комбинати

*меҳнат жамоаси*

*мамлакатимиз аҳолисини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллик санаси билан самимий муборакбод этади!*





*Осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлиб, эзгу орзу-мақсадларимиз рўёбга чиқсин, барчамизнинг бунёдкорона меҳнатимиз мустақил Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилаверсин!*

1217R/215



SAVDOGAR BANK

*Чет эл инвестицияси иштирокидаги*

**«САВДОГАР»**

**очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси**

*Ўзбекистон халқини, ўз акциядорлари ва мижозларини, барча ҳамкасбларини республикамиз Мустақиллигининг 21 йиллик байрами билан самимий қутлайди!*

Мамлакатимиз иқтисодиётига самарали меҳнатлари билан ўз ҳиссасини қўшаётган барча юртдошларимизга соғлик-омонлик, оилаларига тинчлик-хотиржамлик тилайди.

*Сиз, азизларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлаймиз!*









1352A/863



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

**2012 йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган пул ютуқлари тираж ўйинлари ҳақида эълон қилади ва ушбу тиражда иштирок этиш учун 2012 йил 1 август ҳолатига миллий ва хорижий валютада муддатли омонатлари мавжуд Миллий банкнинг 10 йилдан зиёд мижозлари ҳисобланган омонатчиларни таклиф этади.**

*Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!*

**Қўшимча маълумотларни (8-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.** www.nbu.com

1404A/655



## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Фарғона вилояти филиали

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

**I.** Аукцион савдосига Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фарғона Интер Рейн» ҚКга қарашли, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, «Шарқ тонги» МФЙ, «Фарғона — Қўқон» автомобиль йўли ёқасида жойлашган, қурилиш майдони 10781,75 кв.м., фойдали майдони 3960,30 кв.м. бўлган, 2000 тонналик замонавий совутқич бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 321 150 327 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фарғона Интер Рейн» ҚКга қарашли, Олтиариқ тумани, «Тинчлик» (Ҳамза) ШФЙ, «Ўзбекистон» МФЙ, Гулистон кўчасида жойлашган, қурилиш майдони 5978,59 кв.м. бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш учун 4000 тонналик совутқич бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 753 160 153 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 7 сентябрь куни соат 10.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Савдога қўйилган мулклар билан Суд департаментининг ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 5 сентябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг Давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

**Манзил: Фарғона ш., Бурҳониддин Марғиноний к., 35-уй.**
**Тел.: (8-373) 224-68-69. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

1401R/1441

*Лицензия: RR-0001.*


«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси Тошкент филиали директори

**Абдуғани Восиқович ҲАЙДАРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси касаба уюшма қўмитаси раиси, доцент Файзулла Баҳромовга укаси

**Асқар БАҲРОМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 66 151 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5